



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.014:328.185

КБК: 66.3(5Ў)

74.58(5Ў)

М - 23

Маматалиев, Т.

Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш [Матн] : методик қўлланма / Т. Маматалиев, Ш.Муродуллаев, Б.Холмиров. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 28 б.

ISBN 978-9943-9096-2-5

Мазкур қўлланмада коррупция тушунчаси, комплаенс-назорат тизими, коррупцион ҳаракатлар ва жавобгарлик масалалари, олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг ҳуқуқий асослари, ушбу тизимда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

Мазкур қўлланмадан илмий фаолият билан шугулланувчи барча соҳа ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, талабалар ҳам ўз фаолият-ларида фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.014:328.185

КБК: 66.3(5Ў)

74.58(5Ў)

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йигилиш баёни Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирийнинг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли бўйргу билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-2-5

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли испоҳтлар изчил амалга оширилмоқда.

Бинобарин, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича самарали ишлар ташкил этилмоқда. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди. Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш учун масъул бўлган алоҳида орган – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва ийрик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган. Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда, транспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, нотариал ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва сунистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизmlар жорий этилди.

Шунингдек, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида коррупцияга қарши муросасиз кураш давлат ва жамият олдиғаги мұхим вазифалардан бири саналади. Уни амалга ошириш мустаҳкам ҳұқықий асос ва самарали механизм жорий этилишини талаб қылади.

Шу муносабат билан, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги ЩРҚ-419-сонли Қонуны қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг 16-моддасыда давлат органлари ва бошқа ташкілттар коррупцияга қарши курашиш мақсадыда коррупцияга қарши курашиш масалаларында доир ҳұқықий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, үқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқыш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши лозимлиги белгиланган.

Олий таълим соҳасыда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф қилишга қаратилган ишлар ҳамда амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасыда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгилаб олинди. Ушбу лойиҳа доирасида олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида изчил ва мақсадли ишлар йўлга кўйилган.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2020 йил 18 январдаги олий таълим соҳасыда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф қилишга қаратилган вазифаларга бағишлиланган йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида коррупцияга оид ҳұқықбузарликлар содир этилишига имкон беряётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Мазкур “Йўл харитаси” асосида тизимда комплаенс-назоратни ўрнатиш, шунингдек, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар бериш тартиби ҳамда давлат харидларини амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизмлари яратилди.

Юқорида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасини коррупциядан холи соҳага айлантиришдир.

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуни 3-моддасига биноан, Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади.

Жумладан, ҳар қайси даврда ҳам коррупция ўз ижтимоий хавфли хусусияти ва дарајаси билан жамият ҳаётига таъсир кўрсатиб турган. Унга қарши самарали курашиш жамият ривожининг барча босқичларида ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб келган.

“Коррупция” лотинча “corruptum” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “синган, бузилган, сотиб олинган, пора эвазига оғдириш” деган маъноларни билдиради. Коррупция жиноятчилиги иқтисодиётга, мамлакат сиёсий ва ҳалқаро мавқеига ҳамда жамият маънавий-ахлоқий нуфузига фожиали зарар етказадиган хавфли иллат ҳисобланади.

Назарий жиҳатдан, коррупция деганда, давлат ҳокимиятида давлат хизмати имкониятларидан ўзбошимчалик билан ваколатларни суйистеъмол қилган ҳолда, мансаб ваколатига эга бўлган шахсларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ва моддий наф кўриш мақсадида ғайриқонуний ҳамда ғаразли ниятда фуқаролардан пора олиши, пора эвазига сотилиши ёки жиноий уюшмаларга мададкор бўлган ҳолда ёрдам беришида намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса тушунилади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ

Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва ху-
сий сектор фаолиятининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги
халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга
мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари
ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қў-
йиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида
хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган
самарали тизимдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ НИМА?

Илғор хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳа-
сидаги замонавий бошқарув усусларига мувофиқ, самарали фаолият
юритишини таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири
коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳи-
собланади.

“Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (compliance control) тушунчалари
мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга
мувофиқ фаолият юритишини англатади.



“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАРИ

Шахсий намуна (TONE AT THE TOP) – раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва бунда жамоага шахсан намуна бўлиши;

Коррупцияга нисбатан муросасизлик – ходимларда коррупцияга нисбатан “0” (ноль) даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантириш;

Очиқлик ва шаффофлик – фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;

Хабар бериш сиёсати – қонун бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш;

Комплаенс дастури – коррупцияга қарши курашиш сиёсатини камраб олувчи жараёнлар;

Комплаенс ходим – коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали юритиш учун жавобгар шахс;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – фаолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ва баҳолаб борилишини мониторинг қилиш;

Самарадорлик ва малака ошириш – ходимларни коррупцияга қарши маданияти ва билимини мунтазам ошириб бориш мақсадида ўқитиш;

Тизимли таҳлил – коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг самарадорлият юритиб боришини мунтазам равища баҳолаб, мониторинг қилиш;

Контрагент – учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш.



КОРРУПЦИОН ҲАРАКАТЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Коррупцион ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани (пул, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюталар, мулкий тусдаги хизматлар, бошқа мулкий ҳуқуқларни) олиш, талаб қилиш, таклиф этиш, ваъда қилиш ва бериш, пора бериш ва олишда воситачилик қилиш ҳамда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш.

КОРРУПЦИЯВИЙ ҲАРАКАТЛАР

Кронизм

Дўстларга ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзларни тақдим этиш мақсадида хизмат вазифасидан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш.

Манфаатлар тўқнашуви

Шахсий манфаатдорлик давлат хизматчисининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим дараҷада бажаришига таъсир кўрсатаётган, таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан ташкилот тизимининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Маҳаллийчилик

Шахсни мазкур лавозимга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини инобатга олмаган ҳолда, фақатгина келиб чиқиши ҳамда мазкур шахснинг ҳукумат ваколатларига эга бўлган идораларда яқин қариндоши хизмат мавқеи сабабларига кўра ишга қабул қилиш, ишини ўзгартириш, лавозимга тайинлаш.

Непотизм

Ўзининг яқин қариндошларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, яқин қариндошлари ҳамда дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, вазирлик манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар.

Уруғ-аймоқчилик

Муайян қариндошга мансублиги асосида учинчى шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва нохолис муносабатда бўлиш шаклидаги шахсий манфаатнинг намоён этилиши.

Фаворитизм

Раҳбар томонидан бир шахс ёки бир гурӯҳ шахслар манфаатлари-нинг бошқа шахс ёки шахслар гурӯҳи манфаатларидан устун қўйилиши, шу билан бирга, ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлarda кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, шулар жумласидандир.

КОРРУПЦИОН ҲАРАКАТЛАРДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

Жавобгарлик масалалари: антикоррупцион талабларни бузган олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим мұассасалари раҳбар-ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий, маъмурӣ ёки жинонӣ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қўйидаги коррупцион ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда);



фирибгарлик (ЖК 168-модда);
 бюджет ва смета-штат интизомини бузиш (ЖК 184 прим 1-модда);
 ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-модда);
 ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-модда);
 мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-модда);
 ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-модда);
 мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-модда);
 пора олиш (ЖК 210-модда);
 пора бериш (ЖК 211-модда);
 пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-модда);
 ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни нобуд қилиш, уларга
 шикаст етказиш ёки уларни яшириш (ЖК 227-модда);
 ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қал-
 бакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (ЖК 228-модда).

КОРРУПЦИОН ҲАРАКАТЛАРДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар суднинг қарорига кўра, муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан, муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ тарзда маҳрум этилиши мумкин.

Соҳа ходимларининг ички тартиб-қоидаларга риоя этиши аттестациядан ўтишда, юқори ва бошқа лавозимларга тавсия этиш учун кадрлар захирасини шакллантиришда, тақдирлаш ёки мукофотларга тавсия этишда ҳисобга олинади.

Жавобгарлик тури	Жавобгарлик чораси
Интизомий	ҳайфсан; мехнат шартномасини бекор қилиш.
Маъмурий	жарима; маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш; маъмурий қамоқقا олиш.

Жиноий	<p>жарима;</p> <p>муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари;</p> <p>озодликни чеклаш;</p> <p>интизомий қисмга жўнатиш;</p> <p>озодликдан маҳрум қилиш.</p>
--------	--

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олий таълим муассасаларига кириш учун тест ва ижодий (касбий) имтиҳонлар билан боғлиқ коррупцион жиноятларнинг олдини олиш бўйича:

2021 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони кучга кирди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузыридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат тест марказининг қўйидаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди:

- олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишиларига кириш учун тест ва ижодий (касбий) имтиҳонлар;
- олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул имтиҳонлари;
- республикадаги ёки хориждаги олий таълим муассасасидан республикадаги давлат олий таълим муассасасига ўқишини кўчириши истагини билдирган талабалардан олинадиган имтиҳонлар;
- хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган тест синовлари.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузыридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда олий таълим

муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларни жалб қилган ҳолда, 2021/2022 ўқув йили қабулига қадар “transfer.edu.uz” платформаси негизида мазкур бандда кўрсатилган имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғида жонли эфирга узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очик бўлган “imtihon.uz” веб-платформасини ишга тушириш ҳақида кўрсатмалар берилган.

Шуни унутмаслигимиз керакки, олий таълим муассасасига ўқишга киритмоқчи бўлган шахслар фирибгарлардир. Бундай ҳолатга дуч келганда, зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозим.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур”.

Бобур

Олий таълим муассасаларидағи талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимидағи коррупцион жиноятларнинг олдини олиш бўйича:

2018 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи рўйхатдан ўтказилди.

“Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Низомга кўра:

оралиқ назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, 2 мартағача ўтказиш;

оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчига томонидан бажарилиши;

якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилиши;

тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланиши;

якуний назорат түрини ўтказишда келишув асосида бошқа ОТМ-нинг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони асосида 2019 йил 1 августдан бошлаб тажриба тарикасида олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгиланди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлда “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”да ПҚ-5177-сон қарори қабул қилинди.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этиш белгиланган.

Давлат харидлари билан боғлиқ коррупцион жиноятларнинг олдини олиш бўйича:

2021 йил 24 июль куни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги принципи белгиланган, давлат харидларининг давлат харидлари тўғрисидаги барча ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилишни ҳамда барча манфаатдор шахсларга ундан фойдаланишини таъминлайдиган ягона, яхлит ва комплекс ахборот тизими мавжуд.

Давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаши керак эканлиги қатъий белгиланган. Давлат харидлари тендер асосида онлайн аукцион орқали шаффоғ, очиқ ва ошкора ўтказилмоқда.

ОТМларда давлат харидлари жараёнини мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммоларга барҳам бериш мақсадида 2021 йил июнь ойидан

эътиборан ҳар бир ОТМда “Харид бўйича бош мутахассис” лавозими жорий этилди.

Вазирлик тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар очик маълумотлар портали ҳамда расмий веб-сайтда жойлаштирилган.

Давлат ОТМларининг даромадлари, харажатлари тўғрисидаги маълумотлар очик маълумотлар портали ҳамда расмий веб-сайтда жойлаштирилиб борилмоқда.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш ва шаффоффликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди. ОТМга қабул квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш белгиланган. Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш ва шаффоффликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиши бўйича қуийдаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш;

олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалол, пок вижданли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларида шаффоффликни куҷайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишида адолат ва очиқликни таъминлаш, ўқув йили якунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш;

олий таълим тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-
ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартиб-
га соловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш
ва жорий этиш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида корруп-
цияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича “ком-
плаенс-назорат”ни ўрнатиш, шунингдек, бўш иш ўринларига номзод-
ларни ишга қабул қилиш, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш, манфа-
атлар тўқнашувини бошқариш, коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар
бериш тартиби ҳамда давлат харидларини амалга оширишнинг очиқ ва
шаффоф механизмларини ўзида ифодалаган 15 тадан ортиқ ички идо-
равий ҳужжатлар халқаро стандартларга мос равишда қабул қилинди.

Тизимда ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида корруп-
цияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича мажбуриятлар
белгиланган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатига амал қилиш;

Шаффоф давлат харидлари сиёсатини амалга ошириш ва назорат
қилиш;

Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва бюджет инти-
зомига риоя қилишнинг комплекс механизмларини ишлаб чиқиш;

Қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш
тартиби;

Манбаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби;

Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Иш юзасидан совғалар бериш ва олиш тартиби ҳамда кўнгилочар
тадбирларни ташкил этиш;

Номзодларни ишга қабул қилишнинг очиқ ва шаффоф тартиби;

Хизмат текширувларини ўтказиш тартиби;

Хизмат сири ва маълумотларининг конфиденциаллигини сақлаш тартиби.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОЙДАЛАРИ

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг марказий аппарати ҳу-
зуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим
муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш
ҳудудий бошқармалари ходимларининг коррупцияга қарши кураш ва
одоб-ахлоқ қоидаларининг мақсади коррупция ва ҳуқуқбузарликлар-
нинг олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароит-
ларини бартараф этиш, давлат хизматчиларининг юксак ҳуқуқий онг-
лилик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиши, фуқароларнинг
ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва қоидалари талабларига риоя этилиши шарт.

Қоидаларга риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Ишга кираётган шахслар Коррупцияга қарши курашиш ва ахлоқ-одоб коидалари билан имзо күйдирған холда таништирилади.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БҮЙИЧА СИЁСАТ

Мазкур сиёсатни ишлаб чиқышдан мақсад – вазирлик ва унинг таркибидағи барча тузилмалар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантиришдан иборат.

Мазкур сиёсат вазирлик фаолиятида мажбурий тусдаги локал ҳужжат ҳисобланади.

Соҳада коррупцияга қарши курашиш бүйича асосий ички ҳужжатлар Сиёсат ва Одоб-ахлоқ қоидалари ҳисобланади.

Олий таълим соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати асосий тамойиллари қўйидагилар:

қонунийлик;

коррупцияга тоқатсизлик;

очиқлик ва шаффофлик;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;

раҳбариятга тўғридан-тўғри мурожаат – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда вазир ёки вазир ўринбосарларига мурожаат этиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш.

ИШ ЖАРАЁНИДАГИ СОВҒАЛАР

Олий таълим муассасалари ходимларининг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

Шундай совғалар беришда қўйидаги умумий шартларга риоя қилиниши зарур:

совғалар устунликка эга бўлиш, қандайдир ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга ошириш учун рағбат олиш мақсадида тақдим этил-маслиги лозим;



совғалар камида учта ходим иштирокида топширилиши керак;
совғани бериш табрик сўзи (унда совғани бериш сабаби аниқ ифода
этилади) билан бирга бўлиши керак;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга
олган ҳолда) базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп
бўлмаслиги лозим;

бир ходим бошқа ходимга совға учун қилган харажати ҳар бир
ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1(бир) бараваридан кўп
бўлмаслиги лозим.

Шубҳа-гумонларни келтириб чиқармаслик мақсадида олий таълим
муассасаси ҳар қандай байрам ва сабаблар муносабати билан бошқа
давлат органлари ва ташкилотлари ходимларидан, ҳамкорлар ва
контрагентлардан, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан мазкур
Низомда келтириб ўтилган (совғаларни қабул қилиш ва бериш ҳамда
хизмат меҳмондўстлиги белгилари) шартлардан ташқари, совғалар ва
бошқа моддий қимматликларни олиши тақиқланади.

Халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилар-
монлик (хизмат) учрашувларида вазирлик, бўйсунувчи марказ ёки
муассаса номидан совғалар бериш Ўзбекистон Республикасининг
қонунчилик талабларига мувофиқ тегишли муассаса раҳбарининг
бўйруғи билан амалга оширилади.

Совғани бериш (қабул қилиш) қонунийлиги бүйича шубҳа-гумонлар келиб чиққан тақдирда, тизимдаги комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими билан маслаҳат қилиш зарур.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

- юқори даражадаги раҳбарлик намунаси;
- коррупциявий хавфларни аниқлаш ва баҳолаш;
- мониторинг, назорат ва ҳисобот;
- ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик ва айборларни жавобгарликка тортиш;
- ахборотлаштириш, коммуникация (рақамлаштириш) ва маслаҳат бериш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низом Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик характеристини шакллантириш ва соҳани коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича фаолиятни ўз ичига олади.

Мазкур Низомнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

Соҳага алоқадор барчанинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, шу орқали жамиятда коррупцияга тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлар талабларини тўлиқ билишлари ҳамда уларга риоя этишлари лозим;

коррупцион ҳаракат содир этганлик учун жавобгарлик мавжудлиги; олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш;

ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, вазирликнинг мол-мулки ва (ёки) хизмат мавқеларидан фойдаланмасликлари талаб этилади;

хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳар қандай совғалар (рағбат воситалари, кафолатлар, мукофотлар, пул маблағлари, моддий қимматликлар, криптовалюталар)ни қабул қилиши тақиқланади.

Ишга кирувчи ҳар қандай номзод ушбу низом билан таништирилиши керак.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида соҳага оид белгиланган вазифаларни бажариш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик қилишни назарда тутади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
Бош прокуратура;

Ички ишлар вазирлиги;

Давлат хавфсизлик хизмати;

Адлия вазирлиги;

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.



КОРРУПЦИОН ВА БОШҚА ТУРДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БҮЙИЧА ХАБАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ўртасида ҳамда жамиятда коррупцион ва бошқа қонун бузилишларига қарши курашиб маданияти даражасини ошириш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этишга қизиқтиришга бўлган уринишларни аниқлаш ва уларга шу ҳақида маълум бўлган фактлар хусусида хабар бериш, ушбу хабарни рўйхатдан ўтказиш ва текширув ўтказиш тартибини белгилайди.

Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга оид хабарлар қўйидаги масъуллар ва тузилмалар ҳамда алоқа каналлари орқали берилади.

Алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва вазирликнинг ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиласди;

ижтимоий тармоқларда берилган, аноним тарзида тақдим этилган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахс ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилмаган хабарлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди ва ушбу маълумотларга тегишли тартибда вазирлик ва таркибий тузилмаларининг ички тартиб-қоидалари асосида баҳо берилади.

Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарга қўйилган талаблар:

хабар муаллифининг Ф.И.Ш, лавозими;

шахснинг мурожсаат қилиши учун унга маълум бўлган ҳолатларнинг тавсифи (сана, жой, вақт ва бошқа ҳолатлар);

коррупцион ёки бошқа ҳуқуқбузарлик тури ва ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги аниқ маълумотлар;

мурожсаат қичлинган сана;

мурожсаатчининг телефон рақами;

мурожсаат этувчи ўз мурожсаатига асос бўладиган бошқа ҳужжатларни ҳам қўшиб тақдим этиши мумкин.



КОРРУПЦИОН ВА БОШҚА ТУРДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТҮФРИСИДА ХАБАР БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ҳамда унинг ўринбосарларига оғзаки ва ёзма шаклда;

Вазирликнинг [@vazirga_takliflar_bot](#) телеграм боти орқали;
[@anticoredu](#) телеграм боти орқали;

Вазирлик ва унинг таркибий тузилмалари расмий веб-сайти орқали;
71-207-18-43, 71-207-03-41 телефон рақамлари орқали;
тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан, муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ тарзда маҳрум этилиши мумкин.

Ходимлар томонидан қоидаларга риоя этилиши аттестациялар ўтказишида, юқори ва бошқа лавозимларга тавсия этиш учун кадрлар захирасини шакллантиришда, тақдирлаш ёки мукофотларга тавсия этишда ҳисобга олинади.

Қоидаларда назарда тутилган нормаларнинг бузилиши маҳсус тар-
кибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли бўлинмалар
ходимлари одатда 5-11 кишидан иборат таркибда кўриб чиқилади.

ОДОБ-АХЛОҚ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Услубий кўрсатмалар коррупция ҳаракатларининг олдини олишга
ва уларнинг содир этилишига олиб келадиган сабабларни бартараф
этишга, олий таълим муассасаси ходимларини Ўзбекистон Республика-
си қонунчилигига ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимининг ички
хўжжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Соҳада коррупцияга қарши ўқитиш дастурлари ва материаллари
кўйидаги ҳўжжатга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак:

- 1) ўқитиш турлари ва шакллари;
- 2) одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитишга мўлжалланган
ўқув машғулотлари;
- 3) коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган
ўқув машғулотлари;
- 4) коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгалловчи
ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўл-
жалланган маҳсус ўқув машғулотлари;
- 5) коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишлашига ва ривож-
ланишига масъул бўлган ходимларни коррупцияга қарши курашиш
бўйича ўқитишга мўлжалланган маҳсус ўқув машғулотлари.

ОДОБ-АХЛОҚ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Соҳада коррупция ҳаракатларининг рўй бериши ҳолатлари ёки ба-
жарилаётган ишлар, жараёнларнинг коррупция хавфи даражаси ош-
гани аниқланганда;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ва-
зири, унинг ўринбосарлари ҳудудий бошқармалар ва тасарруфидаги
марказлар ҳамда муассасалар раҳбарларининг қарори билан;

Ходим коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимда фаолият
юритса;

Лавозимга тайинланиш ва ротациядан сўнг, агар шахснинг янги лавозими коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ

Бу муносабатлар “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида”-ги Низом асосида тартибга солинади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.


Ушбу низом талаблари олий таълим муассасасининг барча ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан қатъи назар қўлланилади.

ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДНИ ОЛИШ

Потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўз хизмат мавқеидан фақат олий таълим муассасаси манфаатларида фойдаланиши;

ходим фақат олий таълим муассасаси манфаатларини кўзлаши;



олий таълим муассасаси манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар ҳақида тўғридан-тўғри раҳбарини хабардор қилиши лозим.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Олий таълим муассасаларида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва ҳал қилишга оид асосий вазифалар;

иш масалари бўйича қарор қабул қилиш ва ўз хизмат вазифаларини бажаришда ташкилот манфаатларидан келиб чиқиш, шахсий манфаатлар, ўз қариндошлар ва дўстларининг манфаатларини ҳисобга олмаслик;

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолат ва шароитлардан сакланиш;

юз берган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини ошкор қилиш.

ХУЛОСА

Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг мустаҳкам ташкилий-хуқуқий асослари яратилиб, коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш, олиб бориладиган тадбирлар, одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил этиш йўллари, вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари, коррупцион ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари, коррупцияга қарши кураш учун ўқув ва семинарлар ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий қўлланмада келтирилган “Коррупцияга қарши кураш бўйича сиёsat”, “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Низом, “Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик”, “Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича хабар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш тартиби”, “Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасида ўқитишни ташкил этиш бўйича үслубий кўрсатмалар”, “Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасида ўқитишни ташкил этиш тартиби”, “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш” каби идоравий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасини “Коррупциясиз соҳа”га айлантириш мақсад қилинган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Коррупция түшүнчәсі.....	5
Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими.....	6
Коррупцион ҳаракатларда жавобгарлик масаласы	10
Олий таълим тизимидә коррупцияга қарши курашиб үнинг ҳуқуқий асослари.....	11
Олий таълим тизимидә манфаатлар түқнашувини бошқариш.....	24
Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувининг олдини олиш	24
Манфаатлар түқнашуви түғрисидаги малумотларни ошкор қилиш ва күриб чиқыш тартиби.....	25
Хулоса.....	26

Услубий нашр

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ**

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмайлов

Техник мұхаррир
Н.Мирпұлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишига
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,47.
Нашр б.т. 0,875. Адади 250 нусха. Буюртма №113.
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» XК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-үй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҖАРШИ КУРАШИШ



ISBN 978-9943-9096-2-5



9 789943 909625



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАД҆КИОТЛАРИ ВА
ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ